

Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ҳузуридаги Малака ошириш маркази
Самарқанд минтақавий филиали директори

МУҲАММАД ИБН АБУ БАКР ҲАЁТИ ВА УНИНГ КАЛОМ ИЛМИГА ОИД «УҚУДУЛ АҚОИД» МАНЗУМАСИ

Маълумки, қадимий Бухоро заминидан илм-фаннинг барча соҳаларида кўплаб аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Айниқса, буюк аجدодларимиз тарафидан ёзилган тарихий қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳозиргача дунё аҳлини ўзига жалб қилиб келмоқда. Кейинги пайтларда ўтмишда яшаб, ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг турли соҳаларига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев юртимиздан чиққан алломалар ҳақида шундай дедилар: “Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин”¹.

Тарихда “Имомзода” номи билан танилган Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий ҳанафийлик ва мотуридийлик таълимотини кенг ёйишда хизмат қилган алломалардан ҳисобланади. Аллома Бухородан Самарқандга қараб юришда 4 фарсах (23 км) узоқликда жойлашган “Шарғ”

қишлоғида хижрий 491, милодий 1098 йилда таваллуд топган ².

Аллома туғилган қишлоқ номида тарихчи олимлар ўртасида турли қарашлар бўлган. Баъзи олимлар бу қишлоқ номини “Чарғ” деб ҳам айтишган. Вактлар ўтиши билан мазкур қишлоқ номи “Жарғ” ва “Шарғ” тарзида ёзилган ва талаффуз қилинган. Абдулҳай Лакнавий ва Абулвафо Кафавийлар ушбу қишлоқни “Жуғ” номи билан аташган ва алломага “Жуғий” нисбасини беришни маъқул, деб ҳисоблашган. Аммо Абдулкарим Самъоний ва Ёкут Ҳамавийлар ўзларининг асарларида “Жуғ” (جوغ) сўзини ёзилишида хатолик ўтган. Аслида “Жуғ” сўзидаги ڭ ҳарфи ڭ бўлиб, бу сўз “Жарғ” (جارج) яъни “Чарғ” сўзини араб тилидаги ёзилиши дейишган ва араб тилида “Ч” ҳарфи бўлмаганлиги боис, уни “Ш” ҳарфи билан ёзишган.

Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг маълумотларига кўра, “Шарғ” ўша пайтларда Бухоронинг энг яхши қишлоқларидан бири бўлган ³.

² Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий. “Жавоҳирул мудийа фи табакотил ҳанафийа”. Ж. I. – Б. 370, Муҳаммад Усмон Дўгон. “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид”. Амман. Дор ал-Фатх лид дираса ван нашр, 2018. Б.16.

³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. “Бухоро тарихи”. Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 96.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 март куни Абдуҳолиқ Ғиждувоний макбарасига қилган зиёрат ташрифидаги нуткидан.

Аллома ўз даврида “Имомзода”, “Шарғий”, “Жуғий”, “Жарғий”, “Рукнул ислом”, “Воиз”, “Муфтий аҳли Бухоро”, “Маждуд дин” ва “Садийдуд дин” каби лақабларга эга бўлган.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорода яшаб ижод қилган ва у ерда муфтийлик вазифасида ҳам фаолият олиб бориб, фикҳ, калом, тасаввуф ва адабиёт илмларида етук аллома бўлган ⁴.

Манбаларда, Имомзода Бухорий Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Заранжарий (в. 512), Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Фоил Сурҳакатий (в. 518), Розийуддин Нишопурий (в. 585) ва Хожа Юсуф Ҳамадоний (в. 535)лардан фикҳ ва калом илмларини ўрганган. Фахриддин Розий (в. 606) билан турли эътиқодий мавзуларда мунозаралар олиб борганлиги қайд этилган.

Бурҳанул ислом Зарнужий (в. 610), Шамсул Аимма Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад Имодий Кардарий (в. 642), Жамолиддин Абул Фазл Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубий Бухорий (в. 630), Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ва Саъдуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Авфийлар эса Имомзоданинг шогирдлари бўлишган ⁵.

Имомзода Бухорий Мавароуннаҳрда Имом Мотуридийдан кейин унинг таълимотини тарқатган ва ривожланишига ўзларининг ҳиссасини қўшган Абул Ҳасан Сирожиддин Али Фарғоний Ўший (в. 575) ва Нуриддин Собуний Бухорий (в. 580) лар билан замондош бўлган.

Абу Муин Насафий (в. 508), Иброҳим Саффор Бухорий (в. 534), Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий (в. 537), Абу Бакр Алоуддин Самарқандий (в. 539), Абу Сано Маҳмуд Ломиший (в. 539) ва Абул Фатҳ Алоуддин Усмандий (в. 552) каби фақиҳ ва мутакаллим алломаларни ўзининг шайхлари деб эътироф этган ⁶.

Имомзода Бухорий Бухорони Муғуллар томонидан босиб олинган дастлабки йилларда яъни, ҳижрий 573, милодий 1177 йилда вафот этган. Унинг қабри ва қаерда дафн этилгани тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаган. Манбаларда келтирилишича аллома ва Масъуд

исмни ўғли Муғулларга қарши ўтган жангда шаҳид бўлишган. Бу мудҳиш санани Тарихчи Ибн Асир “Тарихда эркаклар, аёллар ва болалар энг кўп йиғлаган кун, ўша кун эди” деб ёзиб қолдирган ⁷.

Муҳаммад ибн Абу Бакр ҳақида тарихчи уламолар шундай фикрларни билдиришган:

1. Абдулкарим Самъоний: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, Бухоро аҳлининг муфтийси эди”.

2. Абдулқодир ибн Муҳаммад Кураший: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, фақиҳ, шоир, парҳезкор, чиройли сийратли, яхшилик аҳилларидан ва диндор эди. Унинг бир жилдли нафис ва кўп фойдали “Ширъатул ислом” асарини кўрдим”⁸.

3. Ёқут Ҳамавий: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, илм аҳилларидан эди”⁹.

4. Ҳожи Халифа: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, “Садийдуд дин” яъни, диннинг ҳимоячиси эди. Унинг бир жилди кўп фойдали ва нафис “Ширъатул ислом” ва “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид” номли манзума шаклида ёзилган китоблари мавжуд”¹⁰.

5. Хайруддин Зириклий: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, “Рукнул ислом” яъни, исломнинг устуни эди. Унинг китоби “Ширъатул ислом” 61 фаслдан иборат бўлиб, қўлғизмасини Брусавий ўзининг “Мафатихул жинан ва масобихул жанан” китобида шарҳлаган”¹¹.

6. Умар Каҳҳола: “Муҳаммад ибн Абу Бакр, фақиҳ ва мутакаллим, бўлиб, унинг “Ширъатул ислом” ва “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид” номли асарлари мавжуд”¹².

7. Карл Броккельман: “У Рукнул ислом, Садийдуд дин Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий Имомзода бўлиб, ҳижрий 491, милодий 1098-йил робийъул аввал ойида туғилган. Бухоро аҳлининг муфтийси бўлиш даражасига етган. У шоир ва мутасаввиф эди. Ҳижрий 573, милодий 1177-йил вафот этган”¹³.

⁷ Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. “Тарихул ислом”. Ж.9. – Б. 415, ибн Асир. “Ал-комил фит тарих”. Ж.5. – Б.308.

⁸ Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий. “Жавоҳирул мудийа фи табақотил ҳанафийа”. Ж. I. – Б. 36.

⁹ Ёқут Ҳамавий. “Муъжамул Булдон”. Ж. III. – Б. 335.

¹⁰ Ҳожи Халифа. “Кашфуз зунун ан асамийил кутуб вал фунун”. Истанбул. 136062/1941. Ж. II. – Б. 1041.

¹¹ Зириклий Хайруддин. “Ал-Аълом”. Байрут: Дорул илм лил малайин, Ж. VI. 1998. – Б. 54.

¹² Умар Ризо Каҳҳола. “Муъжамул муаллифийн”. Ж. IX. – Б. 116.

¹³ Карл Броккельман. “Араб адабиёти тарихи”. Дорул маъориф. 1993. Ж. III. – Б. 675.

⁴ Зириклий Хайруддин. “Ал-Аълом”. Байрут: Дорул илм лил малайин, Ж. VI. 1998. – Б. 54.

⁵ Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий. “Жавоҳирул мудийа фи табақотил ҳанафийа”. Ж. I. – Б. 546, Ж. II. – Б. 362.

⁶ Муҳаммад Усмон Дўғон. “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид”. Амман. Дор ал-Фатҳ лид дираса ван нашр, 2018. – Б. 23.

Алломанинг илмий мероси ўрганилар экан, унинг қаламига оид учта асар аниқланди. Улар: “Ширъатул ислом”, “Уқудул ақоид” ва “Ғароибул Куръон” асарларидир. Туркиялик олим Ражаб Жижи Имомзоданинг “Шурутус солағ” номли китоби ҳам борлигини қайд этган.


“Уқудул ақоид” китоби назмий услубда ёзилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси ҳозирда Туркия, Миср, Саудия Арабистони, Сурия ва Британия китоб фондларида сақланиб келмоқда. Ушбу манзумага Ҳамидулдин Ҳомид ибн Айюб Қураший “Мирқотул мубтадийн” (Бошланғич таълим олувчилар ойнаси) номли шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ Британия музейида сақланади¹⁴.

Шунингдек, яна бошқа бир нусхаси Суриянинг Ҳалаб шаҳрида ҳам топилган ва бу шарҳни Ҳалаблик олим Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Сулаймон томонидан амалга оширилганлиги аниқланган.


Манзуманинг тўлиқ номи “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид” яъни, (Фойдали илмлардаги эътиқод маржонлари) бўлиб, ушбу асар ҳанафий мотуридий ақидаси бўйича ёзилган манзумалар орасида энг узун ва ёзилиш тарихига кўра, иккинчи ўринда туради. Асар 770 байтдан иборат. Манзумадаги байтлар ва муаллиф яшаган давр ва ўша даврда Бухородаги диний вазиятдан келиб чиқиб, у 560 ҳижрий 1164 – 1165 йилларда Сирожиддин Ўший (в. 575)нинг “Бадъул амалий” манзумасидан 78 йил олдин ёзилган.

Бу ҳақда Имомзода манзуманинг охириги 669 ва 770-сатрларида шундай баён қилади:


Қорачалабийзода нусхаси




Раисул куттаб нусхаси



Домад Иброҳим нусхаси



Костамону нусхаси



¹⁴ Ўша манба. Ж. VI. – Б. 305.

«وَاِتَّظَمْتُ هَذِهِ الْعُقُودَ الْحَسَنَةَ
وَقَدْ مَضَتْ لِلْأَمَّةِ الْمُمْتَحِنَةِ
فِي سَعَةِ الْعَيْشِ وَ طَيْبِ الْأَرْمَنِ
خَمْسُ مِائَاتٍ ثُمَّ سِتُونَ سَنَةً»


Маъноси:

*Чиройли маржонни тиздим назмда
Кенг ҳаётда-ю, яхшии замонда.
Хўб синовлар ўтди бандага
Беи юз олтмишинчи, ҳижрий санада¹⁵.*

Имомзода яшаган даврда Бухоро ва унинг атрофидаги диний раҳбарликни “Оли-Бурҳон” Бурҳон оиласи сулоалари бошқарган. Бу сулола Салжуқийлар давлати ҳукмдори Султон Санжар даврида ташкил топган. Сулола асосчиси Бурҳонул аимма Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Умар Моза (в. 518) Султон Санжарнинг синглисига уйланган эди. Шу сабабли Султон Санжар диний ҳокимият ва ҳанафий мотуридий олимларга бошчилик қилиш ҳуқуқини куёви Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Умар Мозага топширади. Бурҳон оиласидан олдин бу мансабда Саффорий алломалар бўлишган¹⁶.

Тадқиқот жараёнида Имомзоданинг ҳам бу оила билан яқин алоқада эканлигини кўриш мумкин. Унинг ўша даврдаги Бурҳон оиласи “Садри” Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозага ушбу манзумасини туҳфа қилгани фикримизга яққол далилдир¹⁷.

Ушбу манзуманинг туҳфа қилинишини аллома ўз байтларида қуйидагича баён қилган:



قَالَ الْفَقِيرُ نَاطِمُ الْجَوَاهِرِ
فَمَنْ وَعَاهَا فَأَزَّ بِالْمَآثِرِ
إِنِّي عَهَدْتُ مِنْ صُدُورِ الدَّهْرِ
وَإِنْ أَحْرَأَهُمْ بِهَذَا الْفَخْرِ
مِنْ فَقْرِ الْمَعَارِفِ الرَّوَاحِرِ
وَمَنْ رَعَاهَا صَارَ فِي الْأَكَابِرِ
مَنْ يَخْطُبُ الْفَضْلَ بِأَعْلَى الْمَهْرِ
بِرَّهَانٍ دِينَ اللَّهِ صَدْرُ الْعَصْرِ

Маъноси:

*Фақир айтди тизиб калом гавҳарин
Маърифат бўстонин териб гулларин.
Уни тушинган иззат ила нажот топди
Унга риоя қилган улуг мукофот топди.*

¹⁵ Муҳаммад ибн Абу Бакр. “Укудул ақоид фи фунунил фавоид”. Барча қўлёзма нусхаларнинг охириги байти.

¹⁶ Тоҳир Ибодуллоев. “Иброҳим Саффор Бухорий” ҳаёти ва илмий мероси. (Рисола фил калом). Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёти, 2019. – Б. 2021.

¹⁷ Муҳаммад Усмон Дўғон. “Укудул ақоид фи фунунил фавоид”. Амман. Дор ал-Фатҳ лид дираса ван нашр, 2018. – Б.16.

**Мен эса ушбу замонда аҳд қилдим
Фазилат маҳрини қиммат билдим.
Бу фахрга лойикроқ кишини билдим
Замон Садри диннинг Бурҳонин
билдим¹⁸.**

*(Ҳошияда Бурҳондан мурод “Муҳит” асари
муаллифи кўзда тутилгани келтирилган)*

Имомзоданинг ушбу асари эътиқодий масалаларга бағишланган бўлиб, содда ва тушунарли тарзда назмий услубда ёзилган. Мусанниф манзумани бобларга ажратиб, бобларни эса фаслларга бўлган. Ҳар битта фасл камида икки байт ва кўпи билан йигирма олти байтни ўз ичига олган.

Мусанниф эътиқодий масалаларни баён қилиш билан бирга баъзи ақидада адашган мазҳаблар, фалсафий мушоҳада қилувчилар, даҳрийлар, мунажжимлар, бидъатчи фиркалардан бўлмиш жаҳмийлар, ботинийлар, жабарийлар, мушаббихачилар, рофизийлар, қадарийлар ва мўътазилийларга раддиялар берган.

Ушбу манзума муқаддима, тўққизта боб ва хотимадан иборат. Бобларнинг тақсимланиши куйидагича:

Манзума муқаддимаси 1 – 27 байтлар.

1. Боб. Аллоҳга, унинг феълий ва зотий сифатларига иймон келтириш ҳақида. Бу боб ўз ичига 27 фаслни олган ва 28-байтдан 180-байтгача.

2. Боб. Пайғамбарлар, расуллар, фаришталар ва китобларга иймон келтириш ҳақида. Бу боб ичига 25 фаслни олган ва 181-байтдан 352-байтгача.

3. Боб. Иймон ва унинг аҳкомлари тўғрисида. Бу боб ичига 27 фаслни олган ва 353-байтдан 430-байтгача.

4. Боб. Тавба ва тоат ҳақида. Бу боб ичига 12 фаслни олган ва 431-байтдан 478-байтгача.

5. Боб. Турли масалалар ҳақида. Бу боб ичига 14 фаслни олган ва 479-байтдан 542-байтгача.

6. Боб. Турли масалалар бўлиб уларни ақл эгалари билиши зарур деб топилган. Бу боб ичига 18 фаслни олган ва 543-байтдан 632-байтгача.

7. Боб. Охират аҳкомлари ҳақида. Бу боб ичига 20 фаслни олган ва 633-байтдан 681-байтгача.

8. Боб. Тортишиш ва талашишнинг ҳаромлиги ва бидъатчи ва адашганлар билан мунозара қилиш ҳақида. Бу боб ичига 4 фаслни олган ва 682-байтдан 707-байтгача.

9. Боб. Бидъатчи ва адашганларнинг сўзларидан куфрни вожиб қиладиган нарсалар ҳақида. Бу боб ичига 1 фаслни олган 708-байтдан 741-байтгача.

Манзума хотимаси 742-байтдан 770-байтгача бўлиб шу билан китоб якунланган.

Мазкур асарга Хоразм илм аҳлининг ҳам эътибори тушганлиги асарнинг бугунги кунда мавжуд бўлган қўлёзма нусхаларидан кўзга ташланмоқда. Чунончи, Туркиянинг Домад Иброҳим кутубхонасидаги нусхасини Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Фотиҳ кутубхонасидаги нусхасини Жамолиддин Ҳофиз Хоразмий ибн Мавлоно Имоуддин Хужандий тарафидан кўчирилиши фикримизга далил бўла олади.

Бугунги кунда ҳам Имомзода Бухорий ҳаёти ва илмий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хулосаларимизга кўра, “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид” асарининг энг қадимги нусхаси ҳозирда Костамону шаҳридаги кутубхонада сақланиб келмоқда. Бу нусха 659 ҳижрий йили Ўтмиш ибн Сулаймон исмли хаттот томонидан Бухоронинг ҳозирги Вобкент туманига қарашли Хайробоҳ қишлоғида рамазон ойининг 4-кунида кўчирилган.

Асар мотуридий таълимоти бўйича эътиқодий масалаларни кенг ёритилиши, турли ботил адашган ақидавий таълимотларга ишончли манбалар асосида раддиялар бериши билан катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу асар софдил, ихлосманд халқимиз ва ёшларимизнинг турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарнинг ўрганилиши эса, юртимиздан чиққан Имомзода Бухорийдек алломаларимиз ва улар ёзиб қолдирган бой илмий меросни кенг халқ оммаси хусусан, илм аҳлига янада яқиндан таништиришда ўз самарасини беради.

¹⁸ Муҳаммад ибн Абу Бакр. “Уқудул ақоид фи фунунил фавоид”. Қўлёзма нусхаси. Фотиҳ кутубхонаси.